



**Мавзу: Ўзбекистон ва  
жаҳон ҳамжамияти**



## ***РЕЖА:***

- ❖ 1. Ташқи сиёсат асосларининг яратилиши. Ўзбекистон - БМТ аъзоси.
- ❖ 2. Мустақиллик йилларидаги халқаро алоқалар.
- ❖ 3. МДҲ мамлакатлари билан икки томонлама ҳамкорлик.
- ❖ 4. Марказий Осиё мамлакатлари билан қардошлик алоқалари.
- ❖ 5. Буюк Ипак йўли - тараққиёт йўли.





## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ СИЁСАТИ ВА ҲАЛҚАРО ФАОЛИЯТИ**

- ❖ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг нормалари ва принципларига,
- ❖ "Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида"ги Қонунга,
- ❖ "Мудофаа тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига,
- ❖ Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий доктринасига,
- ❖ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳамда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг принциплари ва мақсадларига,
- ❖ шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ратификация қилинган Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва битимларидан келиб чиқадиган мажбуриятларга асосланади.

“Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида”ги Қонуни 1-модда



## ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ



- ❖ давлатларнинг суверен тенглиги
- ❖ куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик
- ❖ чегараларнинг дахлсизлиги
- ❖ низоларни тинч йўл билан ҳал этиш
- ❖ бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик
- ❖ халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси IV боб, 17-модда



## ЎЗБЕКИСТОННИНГ БМТга АЪЗО БЎЛИШИ

❖ Ўзбекистон Республикаси 1992 йил 2 мартда Бирлашган Миллатлар ташкилотининг аъзоси бўлди. БМТ билан ҳамкорликдаги асосий йўналишлар бу –

- ❖ хавфсизликка таҳдидларга қарши курашиш;
- ❖ оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик;
- ❖ Афғонистонни қайта тиклаш;
- ❖ экологик муаммоларни ечиш, шу жумладан Орол фожiasi оқибатларини енгиллаштириш;  
ижтимоий-иқтисодий ривожланиш;  
инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларидир.



## ЎЗБЕКИСТОННИНГ БМТга АЪЗО БЎЛИШИ



- Ўзбекистон Республикаси халқаро терроризмга қарши кураш борасида ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш бўйича еришилган ютуқларни қўллаб-қувватлайди. Бироқ терроризмга қарши кураш борасида амалий натижаларга фақат БМТ доирасида ҳамкорлик бўйича глобал тизимни яратиш йўли билангина еришиш мумкин.

- ❖ “Ҳозир ҳаммага битта ҳақиқат равшан бўлиши шарт: ҳеч бир инсон, ҳеч бир давлат, бутун инсониятга таҳдид солаётган ёвузликни бартараф этиш йўлида курашдан четда қололмайди”



*Ислом Каримов*





## **ЎЗБЕКИСТОННИНГ БМТга АЪЗО БЎЛИШИ**

■ Ўзбекистон Республикаси БМТнинг терроризмга қарши кураш бўйича барча 13 конвенцияси иштирокчиси бўлиб, жаҳон ҳамжамиятининг ушбу хавфга қарши кураш борасидаги ҳаракатларини бирлаштириш юзасидан кўплаб амалий ташаббусларни илгари сурди



# Ўзбекистоннинг нуфузли халқаро ташкилотлар билан алоқалари:



Ўзбекистон – БМТ



Ўзбекистон –  
ШҲТ



Ўзбекистон - МДҲ



Ўзбекистон - ЕҲҲТ







## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЮНЕСКО БИЛАН ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ

❖ “Биз ЮНЕСКО тимсолида энг муҳим инсонпарварлик масалаларининг ечимига ижодий ёндашишда ҳаракатлантирувчи куч бўлиб хизмат қиладиган ўзига хос бетакрор ташкилотни кўрамиз”

**Ислом Каримов**

- Ўзбекистон 1993 йил 26 октабрда ЮНЕСКО билан дипломатик алоқалар ўрнатди ва шу кунга қадар унинг тадбирларида фаол иштирок этиб келмоқда.
- 1995 йил ЮНЕСКОнинг “Ипак йўли – мулоқот йўли” дастури доирасида Самарқандда минтақамиз цивилизациялари тарихини ўрганадиган Марказий Осиё тадқиқотлари институти очилди.





## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЮНЕСКО БИЛАН ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ

Ўзбекистоннинг халқаро алоқалардан, шу жумладан, ЮНЕСКО билан дўстона ҳамкорликдан асосий мақсади – мамлакатимизни, бой тарихимизни, халқимизни маънавий юксаклигини ва энг муҳими, мустақил ташқи сиёсатимизни дунёга, халқаро жамоатчиликка дунё ҳамжамиятига кўрсата олишдир.





## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЮНЕСКО БИЛАН ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ

Мамлакатимизда Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Муҳаммад Исмоил ал-Бухорий, Ахмад ал-Фарғоний, Бурхониддин Марғиноний, Имом Абу Мансур Мотурудий каби буюк бобокалонларимизнинг, Бухоро, Хива, Термиз, Шаҳрисабз, Қарши, Самарқанд, Марғилон, Тошкент шаҳарларининг, “Алпомиш” достони, “Авесто” ва “Хоразм Маъмун академиясининг юбилейлари ЮНЕСКО иштирокида нишонланган





## Ўзбекистон БМТнинг 50 йиллигига бағишланган тантаналарда фаол қатнашди.

И.Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 1995 йил 22-24-октябрда бўлган юбилей сессиясида нутқ сўзлади. У нуфузли халқаро ташкилот фаолиятини яхшилашга доир таклифларни баён этди. Умумжаҳон хавфсизлиги минтақавий хавфсизликка эришишдан бошланадиган жараён эканлиги, минтақалар хавфсизлигини таъминлаш йўли билангина жаҳон хавфсизлигини таъминлаш мумкинлиги алоҳида таъкидланди. Афғонистондаги урушга барҳам бериш учун унга ташқи кучларнинг аралашувини бартараф этиш, қурол олиб киришни таъқиқлаш таклифлари илгари сурилди. Оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик, қурол савдосини чеклаш тўғрисида, Орол денгизининг қуриб бориши билан боғлиқ экологик муаммони ҳал этишга халқаро молия тузилмаларини ва ривожланган мамлакатларни жалб қилиш, БМТнинг ташкилотчилик ишини фаоллаштириш тўғрисида бир қатор таклифларни илгари сурди.



Президентимиз нутқида белгилаб берилган минтақада хавфсизликни таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, иқтисодий ривожланиш, таълим ва соғлиқни сақлаш, БМТ билан ҳамкорликни янада ривожлантириш ва фаоллаштириш борасидаги вазифаларни тўлиқ ва самарали амалга ошириш бўйича талаба ёшларда билим ва кўникмалар мажмуасини шакллантиришдан иборат.



## БМТ билан ҳамкорликни янада ривожлантириш ва фаоллаштириш борасидаги вазифалар

➔ Талабаларда Марказий Осиё ядро қуролидан ҳоли ҳудуд экани ва бунинг аҳамияти тўғрисида кенг тушунча ва тасаввур ҳосил қилиш

➔ Сайёрамизда рўй бераётган салбий ҳолат (қашшоқлик, очлик, оналар ва болалар ўлими, эпидемиялар) ва уларнинг аянчли оқибатлари бўйича зарур билимларни шакллантириш

➔ Афғон можароси, унинг оқибатлари, ҳалқаро терроризм ва қурол-яроғ контрабандаси каби муаммоларнинг авж олиши тўғрисида талабаларда илмий асосда фикрлаш ва мушоҳада юритиш кўникмасини ҳосил қилиш

➔ Қирғизистон жанубида рўй берган фожиали воқеалар, юзага келган кескинлик ва қарама-қаршиликлар, Ўзбекистон Республикасининг бундай мудхиш воқеаларга бўлган ҳолисона муносабатини талабаларга етказиш




# БМТ билан ҳамкорликни янада ривожлантириш ва фаоллаштириш борасидаги вазифалар

ДАВОМИ

➔ Экологияни муҳофаза қилиш, айниқса, Орол бўйининг табиий биологик фондини асраб-авайлаш бўйича талабаларда билимлар мажмуасини ривожлантириш

➔ Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг жиддий таъсирларига қарамай, мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ўсиш суръатларининг таъминлангани тўғрисида талабаларда ҳар томонлама асосланган, реал нуқтаи назарларни шакллантириш

➔ Талабаларда Ўзбекистон ҳукумати томонидан таълим тизими ривожига, одамлар тафаккурининг юксалишига қаратилаётган муҳим тадбирлар мажмуи тўғрисидаги билимларини чуқурлаштиришдан иборат





## ***АФҒОНИСТОНДАГИ ВАЗИЯТНИ БАҲОЛАШ***

Халқаро коалиция кучлари контингентини 2019 йил охирида, яъни мамлакатда ўзаро курашаётган кучларнинг қарама-қаршилиги сақланиб турган бир шароитда Афғонистондан олиб чиқиб кетиш режалари, беқарор вазият кенг минтақада хавфсизлик учун олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатларга олиб келиши мумкин.



# Афғонистон муаммосини ҳал этиш масаласи

- Афғонистон муаммосини ҳал этиш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.
- Ушбу мамлакатдаги вазият Марказий Осиё учун доимий таҳдидни ўзида намоён этмоқда.
- Можаронинг оқибатлари бевосита ва ўта салбий равишда глобал хавфсизликка ҳам таъсир кўрсатмоқда.
- Халқаро коалицион кучлар томонидан танланган Афғонистонда тинчлик ўрнатиш стратегияси кутилган натижаларни бераётгани йўқ.



## «6+3» мулоқот гуруҳини ташкил этиш ташаббуси

- Ташаббуснинг мазмун-моҳияти шундан иборатки, афғонистонликлар ўз мамлакати муаммоларини ўзлари, Афғонистонда урушнинг тугаши ва унинг барқарор келажагидан манфаатдор мамлакатлар кўмагида ҳал этишлари даркор.
- Мулоқот гуруҳи таркибига АҚШ, Россия, Афғонистон билан бевосита қўшни мамлакатлар – Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон, Хитой, Эрон ва Покистон, ҳамда НАТО кириши зарур.

## «6+3» мулоқот гуруҳини ташкил этиш ташаббуси

- «6+3» мулоқот гуруҳининг энг муҳим мақсади – бир-бирига қарши курашаётган томонларга Афғонистонда ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш дастурини таклиф этиш, мамлакатни пароканда қилаётган асосий муаммо ва зиддиятлар бўйича ўзаро мурося асосидаги ечимларни топишдан иборат.



- Музокаралар барча асосий можаролашаётган кучлар билан олиб борилиши зарур.
- Дастурда иқтисодий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий, инфратузилма ва гуманитар лойиҳаларни амалга ошириш, аҳоли бандлиги муаммоларини, қашшоқлик, ҳуқуқсизликка қарши кураш бўйича энг долзарб вазифаларни ҳал этишга алоҳида эътибор берилиши лозим.
- Афғонистон халқи амал қиладиган кўп асрлик анъаналар, урф-одатлар, Ислом динининг қадриятлари тўлиқ ҳурмат қилиниши зарур
- Қўйилган мақсадларга эришиш учун ҳозирча Афғонистонда турган тинчликпарвар коалиция кучлари ёрдам бериши мумкин.



# **Мустақиллик йилларидаги халқаро алоқалар.**




# Ўзбекистоннинг йирик ва ривожланган давлатлар билан алоқалари



Ўзбекистон – Россия



Ўзбекистон - АҚШ



Ўзбекистон - Хитой



Ўзбекистон – Япония



Ўзбекистон - Европа Иттифоқи  
давлатлари (Германия, Великобритания  
ва Франция)








# Ўзбекистоннинг йирик ва ривожланган давлатлар билан алоқалари



Ўзбекистон – Россия



Ўзбекистон - АҚШ



Ўзбекистон - Хитой



Ўзбекистон – Ҳиндистон



Ўзбекистон - Европа Иттифоқи  
давлатлари (Германия ва Франция)



# Ўзбекистоннинг йирик ва ривожланган давлатлар билан алоқалари

- Ўзбекистон - Жанубий Осиё давлатлари  
(*Ҳиндистон, Покистон*)
- Ўзбекистон - Яқин Шарк ва Араб давлатлари
- Ўзбекистон - Лотин Америкаси давлатлари
- Ўзбекистон - Африка давлатлари



Ўзбекистон 1992 йил февраль ойида тинчликни мустаҳкамлаш, Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича катта тадбирларни амалга ошираётган нуфузли халқаро ташкилот - Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотига (ЕХҲТ) аъзо бўлиб кирди. И.Каримов 1992 йил 9-10 июлда бўлиб ўтган Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг мажлисида иштирок этиб, 10 июлда бўлган мажлисида раислик қилди. 1994 йил 28-30 сентябрда Тошкентда ЕХҲТнинг халқаро анжумани ўтказилди. ЕХҲТ Тошкентда ва Урганчда атроф-муҳитни қайта тиклаш бўйича семинарлар ўтказди. Мазкур халқаро ташкилот Орол муаммосини ҳал қилишга кўмаклашмоқда. 1995 йил июлда Тошкентда ЕХҲТнинг минтақавий бюроси очилди ва фаолият кўрсатмоқда. 1995 йил июль ойида Ўзбекистон НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурига қўшилди. «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида 1995 йилда АҚШда, 1997 йили Қозоғистон ва Ўзбекистонда ўтказилган ҳарбий машқларда Ўзбекистон ҳарбий қисмларининг иштироки зобит ва аскарларнинг ҳарбий-техник тайёргарлигини янада кўтаришга хизмат қилди. Ўзбекистон жаҳондаги 105 мамлакатни бирлаштирувчи қўшилмаслик ҳаракатининг аъзосидир.



## Ўзбекистон қуйидаги халқаро тузилмалар билан алоқаларни янги босқичда давом эттирмоқда

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти

Ислом ҳамкорлик ташкилоти

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги

Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорлигимиз тикланди, Европа инвестиция банки билан шериклик алоқалари ўрнатилди. Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Осиё инфратузилма инвестициялар банки билан ўзаро ҳамкорлик самарали тус олмоқда.

Марказий Осиёда МДХ давлатлари, Ғарб ва Шарқнинг энг муҳим мамлакатлари манфаатлари ўзаро кесишади






## **ЎЗБЕКИСТОННИНГ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ БИЛАН АЛОҚАЛАРИ**

❖ Ўзбекистоннинг МДХ мамлакатлари билан ўзаро муносабатларидаги энг муҳим масала - суверен Россия билан тенг ҳуқуқли алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ҳамда унинг потенциалига таянишдир.

■ Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартноманинг тузилганлиги сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги муносабатларни янада ривожлантиришда қудратли омил бўлиб хизмат қилади, ҳар иккала мустақил давлат халқларининг туб манфаатларига мос келади.



## ЎЗБЕКИСТОННИНГ РОССИЯ БИЛАН ТУРЛИ СОҲАДАГИ АЛОҚАЛАРИ



- ❖ Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо ҳамкорлари орасида Россия Федерацияси биринчи ўринда туради. Мамлакатимиз ўртасида кенг кўламли ҳамкорлик
- ❖ 1992 йил 30 майда қабул қилинган “Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги” келишув,
- ❖ 2004 йил 16 июньда имзоланган “Стратигик ҳамкорлик”,
- ❖ 2005 йил 14 ноябрьда “Иттифоқдошлик муносабатлари” тўғрисидаги шартномалар асосида ривожланмоқда. Бугунги кунда Россия-Ўзбекистон ҳамкорлигини ҳуқуқий асосини тартибга солишда турли соҳага оид 200 дан ортиқ келишув ва битимлар имзоланган



Бугунги кунда юртимизда россиялик сармоядорлар билан ҳамкорликда **800** дан ортиқ қўшма корхона ишлаб турибди

2004 йилда икки давлат ўртасида товар айланишининг умумий қиймати 1,6 миллиард долларга, 2005 йилда 2 миллиард долларга, 2006 йилда 2,3 миллиард долларга, 2007 йилда 4,1 миллиард долларга, 2008 йилда 4 миллиард долларга, 2009 йилда эса 4,5 миллиард долларига етди

Ўтган 10 йил мобайнида 1000 га яқин ўзбек талабалари “2 мамлакат ўртасидаги таълим соҳасидаги ҳамкорлиги” доирасида Россиянинг бир қанча олий ўқув юртиларида тахсил олиб қайтдилар

Ўзбекистонда 1 миллиондан ортиқ рус мижлатига мансуб аҳоли истиқомат қилади

Ўзбекистоннинг умумий товар айланишида Россиянинг улуши 22 % ни (5/1) ташкил этмоқда

### Ўзбекистон-Россия муносабатлари

Бугунги кунда юртимиздаги 785 та мактабда рус тилида дарслар ўтилади, уларнинг 128 таси рус тилига тўлиқ ихтисослашган

Ҳар йили юртимизда рус тилида 50 га яқин дарслик ва ўқув адабиётлари 1,4 миллион нусхада чоп этилади

Рус тилида 82 та газета ва 20 га яқин журнал чоп этилади

Бугунги кунда Россия ўзбекистонлик тадбирлар билан ҳамкорликда **350** та қўшма корхона ишлаб турибди

Мамлакатимизда 127 дан ортиқ Россиянинг фирма ва компанияларининг ваколатхоналари очилган

2006 йил сентябрда М.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг филиали ташкил этилди

Г.Плеханов номидаги Россия иқтисод Академиясининг филиали


2006 йил 13-январда И.Губкин номидаги Россия давлат нефт ва газ университетининг филиали ташкил этилди





Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 2017 йил 4 – 5 апрель кунлари давлат ташрифи билан Россия Федерациясида бўлди





## *Шавкат Мирзиёев Москвага ташрифини 2017 йил 4 апрель куни бошлади*

Икки давлат байроқлари билан безатилган “Внуково-2” аэропортида олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Давлат раҳбарини Россия Федерацияси ҳукумати аъзолари кутиб олди.

Шавкат Мирзиёев ва Владимир Путин Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини мустаҳкамлаш, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация, илмий-техник, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилдилар, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.


Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Россияга давлат ташрифига тайёргарлик доирасида мамлакатимизнинг Москва шаҳридаги элчихонасида 3 апрель куни Ўзбекистон ва Россия ўртасида ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтди. Икки давлат ваколатли вакиллари савдо-иқтисодий ва инвестиция соҳаларида умумий қиймати 3,5 миллиард АҚШ долларидан ортиқ бўлган 16 та икки томонлама битим, шартнома ва бошқа ҳужжатларни имзолади.





Россия президентининг фикрига кўра, МДХ мамлакатларига террорчиликдан бошқа яна бир неча хавфлар таҳдид солмоқда. Улар орасида уюшган жиноятчилик, наркотрафик, коррупция ва давлатлар ички сиёсатига ташқаридан аралашиш каби хатарлар бор.

Владимир Путин бугунги кунда МДХ мамлакатлари хавфсизлик хизматлари ўртасида жуда яхши ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилганини қайд этган.



## Мирзиёев Медведев билан учрашувда: Терроризм чегара билмас хавф, унга қарши бирлашиш лозим

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси ҳукумати Раиси Дмитрий Медведев билан учрашди. Дмитрий Медведев Шавкат Мирзиёевнинг Россия Федерациясига ташрифидан миннатдор эканлигини билдирди. «Ўзбекистон Россиянинг энг ишончли ҳамкорларидан бири. Икки давлат турли соҳаларда ишончли ҳамкорлик қилиб келмоқда. Сизнинг ташрифингиз давомида жуда катта лойиҳалар бўйича келишувларга эришиш кўзда тутилган. Мен ташрифингиз самарали бўлади ва икки дўст давлатнинг ҳамкорлигида янги саҳифа очилади, деб ишонаман», деди Дмитрий Медведев. «Санкт-Петербургда рўй берган машъум воқеа муносабати билан чуқур ҳамдардлигимни қабул қилгайсиз. Терроризм чегара билмайдиган хавфдир, шу боис унга қарши кучларни бирлаштирган ҳолда курашиш лозим», – деди Шавкат Мирзиёев.

Президент ушбу ташриф ўзаро алоқаларни янги босқичга кўтариш, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имконият эканлигини таъкидлади.

«Бугунги мулоқотларимиз кўп соҳалардаги ҳамкорлигимизда янги даврни бошлаб беришига ишонаман», – деган Шавкат Мирзиёев.

«Ўзбекистон биз учун стратегик ҳамкор, бир-бирини инсоний муносабатлардан бошланиб иқтисодий алоқаларда яқунланадиган кўплаб омиллар боғлаб турадиган энг яқин мамлакатдир.

Сизнинг ташрифингизга ҳукумат ҳам, бошқа ҳамкасблар ҳам қаттиқ тайёргарлик кўрганини эътироф этиш лозим. Иқтисодиёт, янги лойиҳалар, гуманитар соҳа, миграция ва меҳнат муносабатлари борасида ҳамкорлик масалалари билан боғлиқ жуда кенг миқёсдаги ҳужжатлар тўплами тайёрланди (кейинги йиллардаги муносабатларимиз учун бу улкан ҳажмдаги тўплам). Ташрифингиз муваффақиятли ўтишига ва бу ташриф мамлакатларимиз ўртасидаги илиқ, дўстона муносабатларнинг янги саҳифасини очиб беришига ишончим комил. Сизни яна бир бор чин қалбимдан қутлайман!», — деди Медведев. Шавкат Мирзиёев ўз навбатида Медведев ҳамда Владимир Путиннинг Россияга таклифи учун миннатдорчилик билдирди.



«Россия бизнинг стратегик ҳамкоримиз, биз иттифоқчилик муносабатлари ўрнатганмиз. Сиз билан илгари ҳам кўп бора учрашганмиз, лекин барча: ташқи ишлар вазирликлари учрашувлари, савдо, ҳарбий-техника, гуманитар, маданий муносабатларни қамраб олган бугунгидек тайёргарлик илгари бўлмаганди. Қониқиш билан айтиш мумкинки, тайёрланган ҳужжатлар тўплами анча салмоқли. Мазкур ташриф тарихий аҳамиятга эга бўлади», деган Ўзбекистон президенти.





# Шавкат Мирзиёев Путин билан учрашди

Москвага давлат ташрифини бўлганган Шавкат Мирзиёев Россия президенти Владимир Путин билан учрашди.

Кремлда олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Икки давлат мадҳиялари янгради ва Шавкат Мирзиёев ҳамда Владимир Путин фахрий қоровул сафи олдидан ўтишди.

Президент қароргоҳида икки сиёсатчи ОАВ учун кичик чиқиш қилишди ва суратга тушишди. Шавкат Мирзиёев Россия президентига мурожаатини Санкт-Петербургда юз берган теракт муносабати билан ҳамдардлик билдиришдан бошлади.

Шундан сўнг ёпиқ эшиклар ортида музокараларга ўтилган. Шавкат Мирзиёевга музокараларда бош вазирнинг биринчи ўринбосари Очилбой Раматов, ТИВ раҳбари Абдулазиз Комилов ҳамда ТИАИСВ раҳбари Элёр Ғаниев ҳамроҳлик қилмоқда.

Президентларнинг тор доирадаги учрашувида Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш соҳасида ҳамкорлик, Афғонистонда тинчликни сақлаш масалалари муҳокама қилинган.

Икки давлат раҳбарларининг қўшма баёноти, Ўзбекистон билан Россиянинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган 50дан ортиқ ҳужжат имзоланиши мўлжалланган.



## Президентлар музокаралари якунида қатор ҳужжатлар имзоланди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Россия Федерациясига давлат ташрифи якунлари бўйича қатор ҳужжатлар имзоланди.

Музокаралар якунида сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, ҳарбий-техникавий, миграция соҳалари, шунингдек минтақалараро ҳамкорлик, туризм ва соғлиқни сақлашга оид умумий қиймати 16 миллиард доллар бўлган 55 ҳужжат имзоланди.

Жумладан, Россия ва Ўзбекистон ҳукуматлари Ўзбекистон фуқароларини Россияда вақтинчалик меҳнат қилишга уюшган ҳолда жалб этиш бўйича келишув имзолаган. Шунингдек, биргаликда миграция соҳасида мутасадди органлар ваколатхоналарини таъсис этиш, соғлиқни сақлаш, тиббий таълим ва фан соҳасида, туризм соҳасида ўзаро ҳамкорлик бўйича келишувлар имзоланган.

### Ўзбекистон ва Россия ўртасида 50дан ортиқ ҳужжат имзоланди

Имзоланган ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев ва Россия Федерацияси президенти Владимир Владимирович Путин ўртасида қўшма баёнот.
2. Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ҳукуматлари ўртасида минтақалараро ҳамкорликни рағбатлантириш бўйича келишув.
3. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Россия Федерацияси ҳукумати ўртасида Ўзбекистон фуқароларини Россияда вақтинчалик меҳнат қилишга уюшган ҳолда жалб этиш бўйича келишув.

4. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Россия Федерацияси ҳукумати ўртасида миграция соҳасида мутасадди органлар ваколатхоналарини таъсис этиш бўйича келишув.

5. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Россия Федерацияси ҳукумати ўртасида соғлиқни сақлаш, тиббий таълим ва фан соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича келишув.

6. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Россия Федерацияси ҳукумати ўртасида туризм соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича келишув.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Россиянинг фуқаролик ва ҳарбий аҳамиятга молик юқори технологияли маҳсулотларни барпо қилиш, ишлаб чиқариш ва экспорт қилишга ихтисослашган «Ростех» давлат корпорацияси ўртасида англашув меморандуми.

8. «ЕВРОЦЕМЕНТ груп» ва «Ўзқурилишматериаллари» Акционерлик жамияти ўртасида қурилиш саноати ҳамда модернизация лойиҳаларини амалга ошириш бўйича меморандум.

9. Ўзбекистон Республикаси металлургия саноати, нефтегаз кимёси ва кон саноатида Россия Федерацияси компаниялари иштирокидаги қўшма инвестиция лойиҳалари бўйича келишув.

10. «Газпром экспорт» ва «Ўзтрансгаз» ўртасида табиий газ харид қилиш бўйича шартнома ва бошқалар.

**Марказий Осиё мамлакатлари билан  
қардошлик алоқалари.**

**Ўтган давр мобайнида ташқи сиёсат соҳасида  
хорижий давлатлар, биринчи навбатда, қўшни  
мамлакатлар билан дўстона ва ўзаро манфаатли  
муносабатларни ривожлантириш борасида  
сезиларли натижаларга эришдик.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Шавкат Мирзиёев**

## Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида Марказий Осиё – бош устувор йўналиш

Туркманистон ва Қирғизистон билан стратегик ҳамкорлик ўрнатилди

Қозоғистон билан стратегик ҳамкорлигимизни янада чуқурлаштириш борасида бир қатор муҳим ҳужжатлар имзоланди, **2 миллиард доллар** миқдорида иқтисодий битимлар тузилди

Тожикистон билан ҳамкорлигимиз ҳар томонлама мустаҳкамланмоқда

Тошкент ва Душанбе шаҳарлари ўртасида авиақатнов йўлга қўйилди




Қирғизистон билан давлат чегаралари тўғрисидаги битимнинг имзоланиши Марказий Осиёда **хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш**га қаратилган катта қадам бўлди

Қўшни Афғонистон Ислон Республикаси билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўлида муҳим келишувларга эришилди

Янги иқтисодий лойиҳалар бўйича амалий ишлар бошланди

Шунингдек, Россия, Хитой, Жанубий Корея, Туркия, АҚШ ва Европа Иттифоқи давлатлари, мусулмон мамлакатлари билан ҳам самарали битим ва келишувларга эришилди

# Шунинг учун ҳам Ўзбекистон учун Марказий Осиёнинг аҳамияти катта





## ҚОЗОГИСТОН -ЯҚИН ҚУШНИМИЗ, ИШОНЧЛИ ҲАМКОРИМИЗ ВА ҚАЛИН ШЕРИГИМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Козогистон Республикаси Президенти Косим-Жомарт Токаев 14-15 апрель кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлди. Ўзбекистон мустақилликнинг илк кунларидан Марказий Осиё мамлакатлари, жумладан, Козогистон билан уз а<sup>Р</sup>° ишонч ва яхши қушничиликка асосланган муносабатларни ривожлантириш йулидан борди. Халқларимиз нафакат яқин қушни, балки қардош сифатида қўқ қиррали ҳамқорликнинг барча масалалари буйича азалдан бир-бирларини тушуниб, қўллаб-қувватлаб қелган. Утган йиллар давомида бў алоқалар янада мустақамланди, мамлакатларимиз яхши қушни ва узаро манфаатли ҳамқор сифатида тараккиёт йулидан елкама-елка бормокда. Давлатларимиз ўртасида стратегик шерикликни мустақамлашда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Козогистоннинг Биринчи Президенти — Элбоши Нурсултан Назарбоевнинг хиссаси беқиёс. Президентимизнинг очик ва прагматик сиёсати, хорижий давлатлар, аввало, қушни мамлакатлар билан дустана ва уз аро манфаатли муносабатларни ривожлантириш борасидаги ташаббуслари натижасида Ўзбекистон - Козогистон ҳамқорлиги янги босқичга қутарилди. Президентимизнинг 2017 йил 22-23 март кунлари Козогистонга давлат ташрифи мамлакатларимиз муносабатлари ривожиди тарихий даврни бошлаб берди. Ўша йили 16-17 сентябрь кунлари Козогистон Республикаси Биринчи Президенти Нурсултон Назарбоевнинг мамлакатимизга давлат ташрифи олий даражадаги мулоқотларнинг изчил давоми бўлди. Ўтган қисқа вақтда икки томонлама алоқаларда илгари қузатилмаган юқори натижаларга эришилди. Икки давлат рақбарларининг мунтазам учрашув ва мулоқотлари мамлакатларимиз уртасидаги алоқаларни янада мустақамлади.

Козогистон Республикаси Президенти Косим-Жомарт Токаевнинг мазкур давлат ташрифи мамлакатларимиз уртасидаги дустлик, яхши кушничлик ва стратегик шериклик муносабатларини янада кенгайтиришда навбатдаги кадам сифатида икки томон учун бирдек манфаатлидир. Ташрифнинг асосий тадбирлари 15 апрель куни бўлиб ўтди. Куксарой қароргоҳида Козогистон Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Шундан сўнг Шавкат Мирзиёев ва Косим-Жомарт Токаев тўр доирада учрашув ўтказди. Президентимиз Козогистон Президентини Ўзбекистонга ташрифи билан кутлаб, мазкур ташриф икки давлат ўртасидаги мулоқотларнинг мантикий давоми эканини таъкидлади. Сизнинг Козогистон Республикаси Президенти сифатида Ўзбекистонга илк давлат ташрифи билан келганингизни жуда юксак қадрлаймиз. Биз бунини икки томонлама стратегик шериклик муносабатларининг яна бир асоси деб биламиз. Козогистон бизнинг яқин қўшнимиз, ишончли ҳамкоримиз ва қалин шеригимиздир. Биз ҳеч қачон бир-биримиздан ажралмаймиз, деди Шавкат Мирзиёев. Козогистон Президенти таклиф учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик изҳор қилиб, музоқаралар самарали ўтишига ишонч билдирди. **Халқларимизнинг тарихи, дини, тили бир, ўхшаш маданий қадриятларга эга. Сиз, ҳурматли Шавкат Миромонович ва Козогистоннинг Биринчи Президенти Нурсултон Назарбоев давлатлараро муносабатларни юқори босқичга олиб чиқдингиз. Бу сўзларни саклаб қолишни ўзининг асосий вазифам деб биламан. Козогистонда қардош Ўзбекистон билан алоқаларга талаб жуда катта, деди Косим-Жомарт Токаев.** Бугунги кунда мамлакатларимиз уртасидаги муносабатлар барча соҳаларда изчил тараккий этмоқда. 1998 йилда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозогистон Республикаси ўртасида Абдий дустлик тўғрисидаги шартнома, 2013 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси билан Қозогистон Республикаси ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома ўз аро ҳамкорликка мустаҳкам асос бўлмоқда.

Ўзбекистон билан Козогистон БМТ, ШХТ, МДХ, ИХТ, Оролни куткариш халқаро жамғармаси каби халқаро тузилмалар доирасида самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Козогистон мамлакатимиз ташаббуси билан БМТ шафёблигида ташкил этилган Оролбуйи минтақаси учун Инсон ҳавфсизлиги буйича қуп томонлама шериклик асосидаги Траст фонди фаолиятини қуллаб-қувватлади. Президентлар минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва халқаро аҳамиятга молик муҳим масалалар юзасидан фикр алмашди. Жумладан, икки ва қуп томонлама тузилмалар доирасида халқаро терроризм, диний экстремизм, наркотикларнинг ноқонуний муомалада бўлиши, трансмиллий уюшган жиноятчилик, ноқонуний миграция ва халқаро ҳавфсизликка таҳдид соладиган бошқа ҳавф-хатарларга қарши қурашиш буйича биргаликда чоралар қуришга келишиб олинди. Давлат раҳбарлари Афғонистон иқтисодиётини қайта тиклаш ва ушбу мамлакат билан узок муддатли яхши қушничилик алоқаларини ривожлантириш, жумладан, транспорт коммуникациялари, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида йирик лойиҳаларни амалга ошириш зарурлигини таъкидладилар. Олий даражадаги музокаралар чоғида давлат раҳбарлари Ўзбекистон - Козогистон ҳамкорлигининг истикболли йуналишлари, шунингдек, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалаларни ҳам муҳокама қилдилар. Ўзбекистон ва Козогистон расмий делегациялари иштирокидаги қенгайтирилган музокарада мамлакатларимиз уртасидаги савдо-иқтисодий, инвестициявий ҳамкорликни янада ривожлантириш, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги алоқаларни мустаҳкамлаш масалаларига эътибор қаратилди. Қозогистон Ўзбекистоннинг энг муҳим савдо-иқтисодий шерикларидан биридир. Кейинги йилларда иқтисодиётнинг етакчи соҳа ва тармоқларида жадаллашган алоқалар туфайли узаро савдо ҳажми 2018 йилда қарийб 50 фоиз ушиб, 3 миллиард доллардан ошди.

Томонлар якин йилларда бу курсаткичпи 5 миллиард долларга етказишга интилишини тасдиқлади. Ўзбекистон ва Қозоғистон уртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро комиссияга савдо алоқалари номенклатурасини кенгайтириш, иқтисодий ҳамкорликнинг янги узок муддатли шакллари топиш ва ривожлантириш вазифаси қўйилди. Бу узаро манфаатли иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга, савдо, инвестициялар, логистика соҳаларида янги истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, интеграциялашган саноат технопарклари, илмий-инновацион кластерлар ва эркин иқтисодий зоналар ташкил этишга хизмат қилади. Томонлар 2018 йил ноябрь ойида Чимкент шаҳрида ўтган биринчи Ўзбекистон — Қозоғистон ҳудудлараро ҳамкорлик форуми ва 2019 йил мартда Тошкент шаҳрида ўтган Марказий Осиё мамлакатларининг биринчи минтақавий иқтисодий форуми яқунларини ижобий баҳолади. Бугунги кунда юртимизда Қозоғистон капитали иштирокидаги 336 та корхона ва 16 та компания ваколатхонаси, Қозоғистон ҳудудида Ўзбекистон ишбилармонлари билан ҳамкорликда ташкил этилган 199 та корхона фаолият курсатмоқда. Улар томонидан савдо, транспорт-логистика ва бошқа хизматлар курсатилиб, қурилиш материаллари ҳамда кенг турдаги халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқарилмоқда. Мамлакатларимиз автомобиль ва темир йулларда юк ва йуловчи ташишда самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бу муҳим коммуникация тармоғи учинчи давлатлар учун ҳам транзит вазифасини ўтамоқда. Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳудудлардан ташқи савдо юкларини ташишда узаро преференциялар ва қушимча имтиёзлар жорий этилгани савдо ҳажминини сезиларли ошириш имконини бермоқда. Давлат раҳбарлари Ўзбекистон - Қозоғистон давлат чегарасини демаркация қилиш, шунингдек, утазиш пунктларининг самарали фаолиятини таъминлаш жараёни муваффақиятли давом этаётгани, бу икки мамлакат чегарадош ҳудудлари аҳолисининг турмуш шароитини салмоқди даражада яхшилаш, трансчегаравий иқтисодий алоқалар ва гуманитар алмашинувларни жонлантириш, фуқароларнинг уз аро ташрифларини фаоллаштиришга хизмат қилганини мамнуният билан қайд этдилар.

Томонлар Оролни кутқариш халқаро жамғармаси доирасида минтака давлатларининг халқаро ташкилотлар, молия ва экология институтлари билан Орол денгизи хавзасида муайян дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш буйича узаро ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор эканини тасдиқлади. Музокараларда транспорт, логистика, саноат кооперацияси соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш буйича келишувларга эришилди. Транспорт коммуникациялари соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, мамлакатларимизнинг экспорт салоҳияти ва транзит имкониятларини кенгайтириш буйича қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди. Икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев Қўшма баёнотни имзоладилар. Икки мамлакат уртасидаги ҳамкорликнинг турли соҳаларига оид 10 га яқин ҳужжат имзоланди. Солиқ резидентлигини тасдиқловчи расмий ҳужжатларни тан олиш тартиби, Ўзбекистон ва Қозғистонда фаолият юритаётган икки мамлакат фуқароларининг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ноқонуний миграцияга қарши қўрашиш тугрисида битимлар, "Марказий Осиё" савдо-иқтисодий ҳамкорлик марказини ташкил этиш тугрисида меморандум ва бошқа соҳаларга оид келишувлар шулар жумласидандир. Шунингдек, Ташқи ишлар вазирликлари уртасида 2019-2020 йилларга мулжалланган ҳамкорлик дастури, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари буйича қўшма билан Қозғистон Республикаси Ахборот ва ижтимоий ривожланиш вазирлиги уртасида ҳамкорлик тугрисида меморандум қабул қилинди. Оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифингда давлат раҳбарлари музокаралар анъанавий дустлик, узаро ҳурмат, ишонч ва очиклик руҳида утганини, икки томонлама муносабатларнинг муҳим масалалари, узаро манфаатли минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинганини алоҳида таъкидладилар. Ташриф чоғида Ўзбекистон ва Қозғистон Президентлари уртасида эришилган келишувлар, имзоланган ҳужжатлар мамлакатларимиз ҳамкорлигини янги сифат босқичига олиб чиқиш и қайд этилди. Қўннинг иккинчи ярмида Қозғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов ҳамроҳлигида Мустақиллик майдонига ташриф буюрди. Олий мартабали меҳмон ҳурриятимиз, порлоқ истикболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументига гул қўйди.

# ЎЗБЕКИСТОНДА ҚОЗОҒИСТОН ЙИЛИ ОЧИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти Нурсултон Назарбоев 2017 йилда олий даражадаги мулоқотлар сунггида 2018 йилда Қозоғистонда Ўзбекистон йили ва 2019 йилда Ўзбекистонда Қозоғистон йилини утказишга келишиб олган эди. Бу халқларимиз уртасидаги ҳамкорлик тарихида ноёб воқеа сифатида қардошлиқ муносабатларини янги босқичга олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этмоқда. «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида 15 апрель куни Ўзбекистонда Қозоғистон йилининг расмий очилиш маросими бўлди. Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Қосим-Жомарт Тоқоев нутқ сузладилар. Давлат раҳбарлари Қозоғистонда Ўзбекистон йили доирасида фаоллашган маданий-гуманитар алоқалар халқларимизни янада яқинлаштирганини таъкидладилар. Мазкур йирик тадбир халқларимиз уртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаб, азалий дустликни улуглашдек муштарак мақсадларга эришишда муҳим урин тутишини қайд этдилар. Ўзбекистонда Қозоғистон йилининг очилиши стратегик шериклик муносабатлари тобора мустаҳкамланиб, ишонч ва узаро қўллаб-қувватлаш қучайиб бораётганидан далолат беради. Ушбу муҳим воқеа халқларимиз уртасидаги абадий ва самимий дустлик, маданий ва маънавий яқинлик рамзидир, деди Шавкат Мирзиёев. Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқоев Ўзбекистонда Қозоғистон йили доирасида утказиладиган тадбирлар қардош халқларимиз маданий алоқаларини янада мустаҳкамлашини қайд этди. Ўзбекистон Республикасида Қозоғистон йили очик, деб эълон қилинди.

Маълумки, Козогистонда 2018 йилда кенг нишонланган Ўзбекистон йили доирасида иқтисод, туризм ва маданий-гуманитар соҳаларда куплаб тадбирлар, маърифий учрашувлар, турли фестивалъ ва ижодий кечалар утказилди. Икки мамлакат санъат намояндаларининг узаро ташрифлари амалга оширилди. Ўзбек Миллий академик драма театри, Навоий вилояти ижодий жамоапарининг гастроль сафарлари кушни Козогистон вилоятларида катта кизикиш билан карши олинди. Бугунги кунда мамлакатларимиз олий таълим тизимида хамкорликка оид 50 дан зиёд битим ва келишувлар амал килади. Мамлакатимиздаги 400 га якин мактабда козок тили укитилади, олий таълим муассасаларида козок тили, математика, физика ва бошка фанлар буйича педагог кадрлар тайёрланади. Чимкент шаҳрида 2018 йилнинг май ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дустлик алоқалари кумитаси ва Козогистон халқ ассамблеяси уртасида хамкорлик тугрисида меморандум имзоланди. Бу икки мамлакат ҳудудида узбек ва козок тилларини урганишдаги хамкорликни амалий мазмун билан бойитиш имконини берди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 13 мартда "Буюк козок шоири ва мутафаккири Абай Қунонбоев ижодий меросини кенг урганиш ва тарғиб қилиш тугрисида"ги қарори қабул қилинди. Шунинг баробарида Козогистонда суз мулкининг султони Алишер Навоий таваллудининг 577 йиллиги катта тантана қилинди. Бу адабиёти ва маданияти бир дарёдан сув ичган, азалдан қавму қариндош булган халқларимиз ҳаётидаги муҳим воқеадир. Мамлакатимизда Козогистон адабиёти ва маданияти марказининг очилиши эса ушбу соҳадаги хамкорлик бардавомлигининг яна бир тасдиғи булди.

Дўстона муносабатларни мустахкамлашда Ўзбекистон — Козогистон парламентлараро дустлик гуруҳдари ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, 2018 йил ноябрь ойида икки мамлакат парламентлари қуйи палаталари уРт а с иДа ҳамкорлик меморандуми имзоланиши қонун ижодкорлиги муносабатларида янги даврни бошлаб берди. Бу, *уз навбатида*, савдо-иқтисодий, ижтимоий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини мустахкамлашда муҳим омил бўлаётир. Мамлакатимизда Козогистон йилига катта тайёргарлик қурилди. Унинг доирасидаги тадбирлар санъат, фан, таълим ва тадбиркорлик соҳалари вакилларига узаро манфаатли алоқаларни йулга қуйиш, билим ва тажриба алмашиш учун янги уфқлар очади. Маданиятларимиз бир-бирини бойитишига, халқларимиз янада яқин бўлишига хизмат қилади. Бу йил Ўзбекистонда Козогистон йилининг кенг нишонланиши ҳудудлар уртасидаги маданият, ижтимоий-гуманитар ҳамкорликни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқади, - деди Козогистон Республикаси маданият ва спорт вазири Аристанбек Мухамедиули. — Қуплаб маданий тадбирлар, икки мамлакат санъат усталари ва театр жамоаларининг гастроль сафарлари ташкил этилади. Бутун дунёда мамлакатларимизнинг бой тарихи билан танишиш, бетакрор урф-одат ва анъаналарини урганиш, меъморий ёдгорликлари мисолида асрий тамаддун ютуқларидан баҳраманд бўлиш истагида булган сайёҳдар сони йил сайин ортиб бормоқда. Шу боис ҳам бугун туризм соҳасидаги ҳамкорлик биз интилаётган муҳим йуналишлардан бири бўлиб Қолмовда.Ўзбекистонда Козогистон йили доирасида утказиладиган қушма тадбирлар ва лойиҳалар айни шу қаби ҳамкорлик учун ҳам мустахкам асос бўлиб хизмат қилади.



# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ДУШАНБЕ ШАҲРИДА МДҲ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИДАГИ ИШТИРОКИ. 30.09.2018 й.



Тожикистоннинг пойтахти Душанбе шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бошланди. Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди. Унда нутқ сўзлаган Президентимиз жаҳонда жадал ўзгаришлар рўй бераётган, хатар ва таҳдидлар кучайиб бораётган бугунги кунда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги зарурлигини, кўп қиррали ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун муҳим майдон бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади. Саммитда Президент Шавкат Мирзиёев кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтиришнинг долзарб ва истиқболли йўналишларига тўхталиб ўтди. Ўзбекистон 2020 йилда МДҲ Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисини ўтказишга тайёр эканини тасдиқлади.





# УЗБЕКИСТОН ВА ЖАНУБИЙ КОРЕЯ МУНОСАБАТЛАРИ АЛОХИДА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ДАРАЖАСИГА КУТАРИЛДИ

Аввал хабар килинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин 18 апрель куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди. Ўзбекистон билан Жанубий Корея географик жихатдан бир-биридан узок, лекин кунгли якин, тинчлик ва тараққиёт йулида максоди муштарак давлатлардир. Тарихдан маълумки, "мамлакатларимиз Буюк ипак йули даврларидан бошлаб узаро борди-келди килган. Самарканддаги «Афросиёб» музейида сакланаётган деворий суратларда VII аср урталарида Самарканд хукмдорининг кадимги Корея - Чосон элчисини қабул килиш маросими акс эттирилгани бунга ёркин мисол була олади. Мамлакатларимиз вақт синовидан утган ишончли стратегик шериклардир. Олий даражадаги мулоқотлар ва муштарак интилишлар самарасида мамлакатларимиз ҳамкорлиги барча йуналишларда изчил ривожланмокда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22-25 ноябрь кунлари Корея Республикасига давлат ташрифи узаро муносабатларни сифат жихатдан янги боскичга кутарди. Мазкур тарихий ташриф куп киррали алоқаларни ривожлантириш учун мустақкам замин яратди. Ташриф доирасида авлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро 20 дан ортик битим, шунингдек, умумий киймати 10 миллиард АКШ долларидан зиёд булган 64 та ҳужжат имзоланди. Корея Республикаси Президентининг Ўзбекистонга давлат Ташрифи Ўзбекистон - Жанубий Корея муносабатлари тарихидаги ухим воқеа сифатида мамлакатларимиз ва халқларимизни янада яқинлаштиришга хизмат килади. Ташрифнинг асосий воқеалари 19 апрель куни Куксарой қароргоҳида булиб утди. Расмий кутиб олиш маросимидан сунг Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Мун Чжэ Ин тор доирада учрашув утказди. Давлатимиз раҳбари олий мартабали меҳмонни кутлаб, бу узок кутилган ва муҳим ташриф эканини алоҳида таъкидлади. - Жанубий Корея Ўзбекистоннинг ишончли ва устувор шериги. Мен 2017 йилги учрашувимизни мамнуният билан эслайман. Музоқараларимиз самимий ва конструктив руҳда утган, салмоқли ҳужжатлар имзоланган эди. Бу кейинги йиллардаги ҳамкорлик ривожига асос булди. Сизнинг ушбу ташрифингиз давлатлараро муносабатларимизга янги суръат бағишлайди, - деди Шавкат Мирзиёев.

Корея Республикаси Президенти таклиф учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон - Жанубий Корея муносабатлари узаро дустлик ва ҳамкорлик рухида изчил ривожланаётганини кайд этди. — Ўзбекистон қадимий ва бой тарихга эга, Буюк ипак йулининг маркази бўлган улка. Бугунги кунда мамлакатингиз *уз тараккиётининг янги даврига* қадам қуймоқда. Ўзбекистонни Жанубий Кореянинг савдо ва инвестициявий алоқаларни фаоллаштиришга қаратилган "Янги шимолий сиёсат"ида муҳим урин тутувчи шерик деб биламиз. Сизнинг Сеулга ташрифингиз чоғида мамлакатларимиз уртасидаги стратегик шерикликни мустаҳкамлашга эришган эдик. Бу сафар уни алоҳида стратегик даражага кутариш ниятидамиз, — деди Мун Чжэ Ин. Ўзбекистон қучли иқтисодий, индустриал ва интеллектуал салоҳиятга эга Корея Республикаси билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга стратегик масалалардан бири сифатида қарайди. 1992 йилда мамлакатларимиз уртасида дипломатик муносабатлар урнатилгандан сунг узаро алоқаларни ривожлантириш борасида салмоқли натижаларга эришилди. Мамлакатларимиз уртасида давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро 170 дан ортиқ ҳужжат қабул қилинган. Мазкур салмоқли ҳуқуқий база узаро ҳамкорликнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда. 2006 йилда имзоланган Стратегик шериклик тугрисидаги қўшма декларация, 2017 йилда қабул қилинган Стратегик шериклик муносабатларини ҳар томонлама чуқурлаштириш тугрисида Қўшма баёнот томонларнинг ҳамкорликка содиқлиги, дустлиги ва узаро ишончидан далолатдир.

Мамлакатларимиз БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасида бир-бирини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Ўзбекистон Корея Республикасининг глобал хавфсизликни таъминлаш борасида катта аҳамиятга эга бўлган, Корея ярим оролидаги *уз аро* ҳамжихатликни мустаҳкамлашга йўналтирилган тинчликсевар сиёсатини маъқуллайди.

## ПРЕЗИДЕНТ Ш.МИРЗИЁЕВНИНГ ҲИНДИСТОНГА ТАШРИФИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ҳиндистон Республикаси Президенти Рам Натх Ковинднинг таклифига биноан 30 сентябрь – 1 октябрь кунлари давлат ташрифи билан Ҳиндистонда бўлди. Бугунги кунда Ҳиндистон жадал ривожланмоқда, замонавий қиёфа касб этмоқда. Унинг қудратли давлат ва иқтисодиёти ривожланган мамлакат сифатида жаҳондаги ўрни тобора мустаҳкамланмоқда. Ушбу мамлакат, айниқса, юқори технологиялар, инновациялар, саноат, дастурлаш, соғлиқни сақлаш, хизмат кўрсатиш соҳаларида илғор ҳисобланади.



# МУЗОКАРАЛАР ЖАРАЁНИДА:

1

- савдо, иқтисодиёт, инвестициялар, юқори технологиялар, тиббиёт, фармацевтика, туризм ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликнинг янги имкониятлари муҳокама қилинди

2

- Дипломатик паспорт эгаларини виза талабларидан озод этиш, туризм, қишлоқ хўжалиги, фан-техника ва инновациялар, коинотни тадқиқ этиш ва ундан тинчлик мақсадларида фойдаланиш, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашиш, соғлиқни сақлаш ва тиббиёт илми соҳасида ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битимлар имзоланди.

3

- ҳарбий таълим, ҳуқуқ ва адлия, фармацевтика соҳаларидаги муносабатларни ривожлантиришга доир ўзаро англашув меморандумлари қабул қилинди.

4

- Андижон вилояти билан Ҳиндистоннинг Гужарат штати, Самарқанд ва Агра шаҳарлари ўртасида ҳамкорлик ва шерикликни йўлга қўйиш, Андижон шаҳрида Эркин фармацевтика зонасини ташкил этиш тўғрисидаги англашув меморандумлари


5


- Ўзбекистон – Ҳиндистон ишбилармонлик кенгашини ташкил этиш тўғрисидаги битим

- ❖ Оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ўтказилган брифингда Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Ҳиндистон билан алоқаларга устувор аҳамият қаратиши, амалий руҳда ўтган музокаралар томонларнинг ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканини тасдиқлаганини таъкидлади. Икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажмини 1 миллиард долларга етказишга келишиб олингани қайд этилди.
- ❖ Анъанавий дўстлик руҳида ўтган бугунги музокаралар мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаати йўлида интилишларимиз қатъий эканини кўрсатди. Очиқлик, ўзаро англашув ва манфаатларга ҳурмат асосида қарор топган ҳамкорлигимиз мустаҳкамланиб бораётганини юксак қадрлаймиз, деди давлатимиз раҳбари. Биз Ўзбекистон Президенти билан мамлакатларимиз ҳамкорлигини ҳар томонлама муҳокама этиб, унинг истиқболли йўналишларини белгилаб олдик. Ўзаро савдода преференциялар қўллаш, ахборот технологиялари, ҳудудлараро ҳамкорлик ва бошқа қатор масалалар бўйича самарали келишувларга эришдик, деди Ҳиндистон Бош вазири.









**Буюк Ипак йўли -  
таракқиёт йўли.**



Биринчи марта Брюссел учрашувида Европа ва Осиёни боғлайдиган «Европа-Кавказ-Осиё» транспорт йўлаги - ТРАСЕКАни барпо этиш масаласи кўрилди ва Декларация қабул қилинди. «Лазурит йўли», кейинроқ «Шоҳ йўли», «Буюк Ипак йўли»... Бугун эса - ТРАСЕКА. И.Каримов 1998 йил 8 сентябрь куни Озарбайжон пойтахтида иш бошлаган Буюк Ипак йўлини тиклашга бағишланган Халқаро конференцияда иштирок этди. Бу анжуманда жаҳоннинг 32 мамлакати ҳамда БМТ, Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки, Жаҳон банки каби халқаро ташкилотлардан вакиллар иштирок этди. 1996 йили Серахсда Марказий Осиё билан эрон темир йўл тармоқларнинг туташтирилгани ТРАСЕКА лойиҳасини амалга оширишда дастлабки катта ишлардан бири бўлган эди. Худди ўша, 1996 йил 13 май куни Ўзбекистон, Озарбайжон, Грузия, Туркманистон ўртасида ўзаро эркин транзит тўғрисидаги шартнома имзоланди. Буёғи Япониядан то Адриатика денгизига қадар чўзилган йўлдан фойдаланишни бошлаган республикаларнинг сарф-харажати камаяди. Ўзбекистон учун мазкур шартнома кучга киргач, пахта ташишга кетадиган харажатнинг 12 миллион доллари иқтисод қилинади. Чунки, ТРАСЕКА шимолий йўналишга нисбатан 2 минг километр қисқадир. Ўзбекистон ўз пахтасини, Қозоғистон ва Россия орқали Украина портларига етказиш учун тоннасига 100 доллардан зиёд маблағ сарфлайди. ТРАСЕКА орқали ташилганда эса ушбу кўрсаткич 55 долларни ташкил этади, холос. Ҳозирга қадар жаҳоннинг 50 та мамлакати ТРАСЕКА йўлаги орқали ўз юкларини манзилларига етказмоқда. ТРАСЕКА дастурини амалга оширишда Европадаги сиёсий, иқтисодий ва молиявий ташкилотлар яқиндан ёрдам кўрсатяпти. Боку конференциясида ТРАСЕКА лойиҳасини амалга ошириш бўйича ҳукуматлараро комиссияни ташкил этиш, унинг доимий котибиятини таъсис этиш ва бош қароргоҳни Бокуда жойлаштириш бўйича ўртага ташланган таклиф иштирокчилар томонидан маъқулланди. Анжуман ниҳоясида Европа-Кавказ-Осиё йўлагини ривожлантириш бўйича халқаро транспорт тўғрисидаги кўп томонлама Битим имзоланди. Мазкур ҳужжат халқаро юк ва йўловчи ташишни ривожлантириш ва бошқариш транспорт соҳасидаги ҳуқуқий мезонларни ўзаро мувофиқлаштиришни кўзда тутди. Анжуманда Боку Декларацияси қабул қилинди. ТРАСЕКА дастури бўйича ишларни амалга ошириш жараёнида бу дастур иштирокчилари бўлган давлат орасидаги ҳамкорликларни янада кучайтирди.

**2019 йил 22 декабрь**



Сайловлар очик-ойдин, халқаро стандартлар асосида ўтказилишини назорат қилиш учун 50 га яқин давлатдан ҳамда 10 та халқаро ташкилотдан 825 нафар кузатувчи иштирок этди. Биринчи марта Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг 316 кишилик тўлақонли миссияси билан яқин ҳамкорлик қилдик.

Халқаро кузатувчилар сайловлар эркин рақобат муҳитида, сиёсий партиялар ўртасидаги қизғин тортишув ва баҳс-мунозаралар шароитида ўтганини, бу жараёнда оммавий ахборот воситаларининг роли сезиларли даражада ошганини алоҳида эътироф этдилар.



Ҳаракатлар стратегиясининг чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишларида белгиланган вазифалар Ўзбекистоннинг тараққиётга эришиш йўлида муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Маълумки, мамлакатимиз ўзининг ташқи сиёсат фаолиятида барча хорижий мамлакатлар ва жаҳон ҳамжамияти билан самарали ҳамкорликни халқимиз ва юртимиз манфаатларидан келиб чиқиб, очик, дўстона ва прагматик тамойилларга асосланган ҳолда олиб бормоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга йўллаган навбатдаги Мурожаатномасида Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати бундан буён ҳам ана шу принциплардан чекинмаган ҳолда изчил давом эттирилишини таъкидлади. Шу билан бирга, дунёнинг ривожланган давлатлари бўлмиш АҚШ, Россия, Хитой, Туркия, Япония, Жанубий Корея ва Европа иттифоқи билан савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий, маданий-гуманитар ва хавфсизлик соҳасидаги алоқаларни янгича мазмун-моҳият билан бойитган ҳолда янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш зарурлигига алоҳида урғу берилди.




# **ЕВРООСИЁ ИҚТИСОДИЙ ИТТИФОҚИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК**



**Бошқа халқаро ва минтақавий  
иқтисодий ташкилотлардаги  
иштирокимизни янада  
кучайтирилади.**

**Европа Иттифоқи билан  
Ҳамкорлик ва шериклик  
тўғрисидаги янги битимни  
тузиш бўйича ишларни изчил  
давом эттирилади.**



# Давлат геология кўмитаси

Давлат геология кўмитаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан бирга камида 20 та кон бўйича тайёр лойиҳалар тўпламини шакллантириб, салоҳиятли инвесторларга таклиф этиши лозим.



Кўмита углеводородлар ва уларнинг захиралари бўйича ҳисоб-китоб юритиш, тоифага ажратиш ва бошқаришнинг халқаро тизимини амалиётга жорий этиши керак





**Жаҳон банкининг “Бизнес юритиш” рейтингда энг яхши 50 та мамлакат қаторига кириш бўйича барча ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни қабул қилдик. Ҳукумат ушбу тадбирларнинг амалий ижросини самарали ташкил этиши зарур.**




# ТУРИЗМ



Туризмни иқтисодиётнинг стратегик тармоғига айлантириш биз учун устувор вазифа бўлиб қолади. Ҳукумат олдидаги энг муҳим вазифалардан бири – жорий йилда юртимизга келадиган туристлар сонини 7,5 миллионга етказишдан иборат. Маълумки, қатор нуфузли хорижий оммавий ахборот воситалари 2020 йилда Ўзбекистонни саёҳатга албатта бориш тавсия этилган мамлакатлар қаторига киритди. Биз бундай имкониятдан унумли фойдаланишимиз керак. Катта салоҳиятга эга бўлган зиёрат ва тиббиёт туризмини ҳам жадал ривожлантириш зарур. Юртимизда 8 минг 200 дан зиёд маданий мерос объекти мавжуд бўлиб, туризм маршрутларига уларнинг атиги 500 таси киритилган. Ҳукумат уч ой муддатда зиёрат ва анъанавий туризмни ривожлантириш мумкин бўлган маршрутлардаги объектлар сонини 800 тага етказиш бўйича чоратadbирларни белгиласин. Яна бир вазифа – ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон моддий маданий мероси ва Номоддий маданий мероси рўйхатига Ўзбекистондаги янги объектларни киритишни тезлаштириш лозим.

**2020 йил ҳадис илмининг султони Имом Бухорий, калом илми асосчиси Абу Мансур Мотуридий ва унинг давомчиси Абу Муин Насафийнинг ҳаёти, илмий меросига бағишланган ҳамда диний бағрикенглик мавзуларида халқаро илмий-амалий конференциялар ва бошқа тадбирлар ташкил этилади**



*Ўзбекистон ташқи сиёсатини фаоллаштириш юзасидан бошлаган кенг кўламли ишларни, миллий манфаатларимизга жавоб берадиган, очиқ, прагматик ва чуқур ўйланган ташқи сиёсат йўлини давом эттирамыз. Олис ва яқиндаги барча давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини, узоқ муддатли ва кўпқиррали шерикликни янада кучайтирамыз.*



# Олис ва яқиндаги барча давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини, узок муддатли ва кўпқиррали шерикликни янада кучайтирамиз

**Биринчи.** Марказий Осиё минтақасидаги мамлакатлар билан барча соҳаларда ўзаро дўстлик, яхши кўшничилик ва стратегик шериклик руҳидаги муносабатларни мазмун ва сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишимиз зарур.

**Иккинчи.** Россия Федерацияси, Хитой Халқ Республикаси, Америка Қўшма Штатлари, Япония, Жанубий Корея, Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари, Европа Иттифоқи ва Осиё мамлакатлари билан сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация ва маданий-гуманитар алоқаларни янада ривожлантиришга алоҳида аҳамият берамиз.

**Учинчи.** Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Туркий кенгаш ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар доирасида кўптомонлама ҳамкорликни жадаллаштиришни давом эттиришимиз зарур.

**Тўртинчи.** Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида фаолиятимиз самарасини янада оширишимиз зарур.





Ўзбекистоннинг 2020 йилда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига раислик қилиши, биз учун тарихий аҳамиятга эга. Биз Ҳамдўстликда савдо-иқтисодий ва транспорт-транзит соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш, ташкилот томонидан қабул қилинган қарорларнинг амалий натижадорлигини ошириш ва аъзо давлатлар ўртасида гуманитар алоқаларни янада мустаҳкамлаш учун барча салоҳият ва имкониятларни ишга соламиз.

Жорий йилда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Марказий Осиё, Европа Иттифоқи ва Осиё мамлакатлари билан олий даражадаги иккитомонлама ва кўптомонлама тадбирлар ўтказилиши кутилмоқда. Ташрифлар доирасида мамлакатимиз манфаатларига хизмат қиладиган истиқболли лойиҳалар ва дастурлар қабул қилиниши кўзда тутилган.

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти билан муносабатларни ривожлантириш – Ўзбекистон ташқи сиёсатининг муҳим йўналиши бўлиб қолади.



# 2020 йилда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланади.



# Мустақил таълим учун топшириқлар

Инсерт жадвалининг тузилиши ва уни тўлдириш қоидаси билан танишадилар.

## *Инсерт* жадвали:

- маълумотларни системалаштиришни (мустақил ўқиш/ маъруза эшитиш жараёнида олинган), уларни тасдиқлаш, аниқлаштириш ёки рад этиш; қабул қилинаётган маълумотнинг тушунарлилигини назорат қилиш, аввал эгалланган маълумотни янгиси билан боғлаш қобилиятларини шакллантиришни таъминлайди;

- ўқув маълумотини мустақил ўрганилганидан сўнг қўлланади.

Ўқиш жараёнида олинган маълумотларни индивидуал ҳолда системалаштирадилар;

Матнда қўйилган белгилар асосида жадвал устунларини тўлдирадилар:


V - .... ҳақидаги билимларимга жавоб беради;

«-» - .... ҳақидаги билимларимга зид;

+ - янги маълумотлар


? – тушунарсиз (аниқлаштириш, тўлдиришни талаб қилади) маълумот.

V	+	-	?





# “Халқаро ташкилотлар” бўйича кластер (ўқитувчининг назорат варианты) (лавҳа)



## Ўз-ўзини назорат қилиш учун савол ва топшириқлар

1. Президентимиз томонидан жафокаш афғон заминида тинчликни тезроқ қарор топтириш учун қандай таклиф илгари сурилди?
2. Ўтган йиллар давомида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ўсиши қанчани ташкил этган?
3. Бугунги кунда аҳолини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш неча фоизга етди?
4. Ўзбекистонда охириги 30 йил мобайнида одамларнинг ўртача умр кечириши қанчага етди?
5. Мамлакатимизда иш билан банд бўлган аҳолининг неча фоизини хотин-қизлар ташкил этади?
6. Бугунги кунда Ўзбекистон давлатининг ташқи қарзи ялпи ички маҳсулотнинг неча фоизини ташкил этади?
7. Хозирги кунда БМТнинг амалдаги Бош котиби ким?
8. Ўзбекистонда ҳар йили таълим учун сарфланаётган маблағлар ялпи ички маҳсулотнинг неча фоизини ташкил этади?



**LOGO**



***ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН РАҲМАТ!***